

УДК: 633.14:631.82:631.51:631.55.

**КУЗГИ ЖАВДАРНИНГ ҚИШЛАБ ЧИҚИШ ДАРАЖСИ ВА
ХОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА МИНЕРАЛ
ҮҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

Исмоилов Вохид Исропилович, қ.х.ф.ф.д., (PhD).

Мавлонов Баҳодир Тошбоевич, қ.х.ф.н., доцент

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети

Турсунов Шермуҳаммад

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба
станцияси директори

Аннотация: Уибү мақолада кузги жавдарнинг Самарқанд вилояти
шароитида қишига чидамлилиги ва ҳосилдорлигиги экиши муддатлари ва маъдан
ўғитларнинг таъсири юзасидан олинган тадқиқот натижалари баён этилган.

Таянч сўзлар: Кузги жавдар, “Шалола”, нав, ҳосилдорлик, қишига
чидамлилик, экиши муддати, маъдан ўғим.

Кириш. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигини янги, замонавий техникалар
билин таъминлаш, экинларнинг интенсив типдаги серҳосил, тезпишар навлар,
дуругайлари ҳамда ўғитларнинг янги, самарадорлиги юқори шаклларини
яратиш ва аҳолининг донга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, чет эллардан
валюта ҳисобига келтирилаётган айрим дон маҳсулотларини республикамиизда
етиширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жавдар ана шундай дон
экинларидан биридир.

Жавдар қишлоқ хўжалигида нисбатан янги ўсимлик бўлганлиги сабабли, унинг илмий асосланган етиштириш технологияси етарли даражада ўрганилмаган. Юқоридагилардан келиб чиқиб биз Самарқанд вилояти шароитида сугориладиган ерларга жавдарнинг “Шалола” навини экиш муддати ва маъдан ўғит меъёрларининг ўсимлик қишдан қишлиб чиқиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилишни тадқиқотларимиз асосий мақсади қилиб олдик.

Дала тажрибаларини Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станциясида ўтказдик. Тажриба обьекти кузги жавдарнинг Шалола навини 1; 15 октябръ ва 1 ноябръ муддатларда экиб, минерал ўғит меъёрларини N-120, 150, 180, P-70, 90, 110, K-60, 75, 90, кг. ҳисобида қўллаш вариантлари ўзаро таққосланди. Экиш меъёри 4,0 млн. дона ҳисобида.

Тажрибада аниқланишича, ўсимликларнинг сони кузда, тўлиқ униб чиқишини ҳисобга олганда экиш муддатлари ва маъдан ўғит меъёрлариги боғлиқ ҳолда 1 m^2 да эрта муддат (1 октябр) да экилганда, экилган урукқа нисбатан барча вариантлар бўйича 86,0-87,7 % гача униб чиқиши кузатилди. Баҳорда саналганда сийраклашиш туфайли 1 m^2 да ўсимликлар сони урукқа нисбатан барча вариантларда 80,2-84,1 %, ёки ўртacha 4,7 % камайганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, жавдар бошоқли дон экинлари орасида совукқа энг чидамли экин ҳисобланади. Тажрибамизда аниқланишича жавдар қишлиб чиқиш жараёнида 3-4 % гача нобуд бўлди. Қишлиб чиқсан ўсимликлар сони энг юқори қўрсатгич ўрта муддат (15 октябр) да, маъдан ўғитлар меъёри $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг/га қўлланилганда кузатилди.

Кузги жавдарда ҳам бошқа ғалла экинлари каби биологик ҳосилдорлиги маҳсулдор поялар қалинлиги ва бошоқдаги дон сонидан келиб чиқиб

хисобланади. Ҳосилдорликки иқлимий шароит ва қўлланиладиган агротехника даражаси катта таъсир кўрсатади [2].

Бошоқли дон экинлари ривожланиши, ҳосил элементлари (бошоқ шаклланиши, гуллаш, дон шаклланиши ва бошқалар)нинг шаклланишига республикамиз шароитида суғориш, озиқлантиришдан ташқари ҳавонинг нисбий намлиги ҳамда ёғингарчилик катта таъсир кўрсатади. Ёғин миқдорининг бошоқли дон экинлари ривожига таъсири. [2,5,6]

Экиндан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун тупроққа солинаётган ҳар қандай ўғит тури ва меъёри шу тупроқда намлик етарли бўлгандагина самарали бўлади. Қолаверса, тупроқнинг нам сақлаш хусусияти қанчалик юқори бўлса, қўлланилган ўғит турларининг самараси ҳам шунчалик юқри бўлади. Демак, ўсимлик вегетация давомила тупроқ намлигининг керакли меъёрининг эътибордан четда қолдирмослик керак [1,3,4]

Ҳосил шаклланиш элементлари, навнинг биологик элементлариги, маъдан ўғитлар ва экиш муддатлари, ўсимликнинг озиқланиш ҳамда нам билан таъминланишига узвий боғлиқ бўлди.

Ўтказилган тадқиқот тажрибаларида кузги жавдар дон ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва маъдан ўғитлар таъсири катта бўлиши аниқланди. Маълумотлардан кўринадики, эрта муддатда экилганда, жавдарнинг тўла физиологик етилиши, ҳосил шаклланиш даврлари узоқ бўлиши ҳосилдорликнинг ошишини таъминлайди. 2018 йилда ўтказилган тажрибаларимиз натижасида эрта муддатда (1 октябр) экилганда ҳосилдорлик, ўрта ва кечки муддатда экилгандагига қараганда юқори бўлди. 2019 йилда ўрта муддат (15 октябрда) да экилганда ҳосилдорлик юқори бўлганлиги кузатилди.

Кузги жавдар дон ҳосилдорлигига экиш муддати ва маъдан ўғитларнинг таъсири.

№	Экиш муддатлари	Вариантлар	Ҳосилдорлик, ц/га			Назоратга нисбатан қўшимча ҳосил	
			2018	2019	Ўртacha	ц/га	%
1	1-октябр	Назорат (ўғитсиз)	27,2	24,2	25,7	-	-
2		N ₁₂₀ P ₇₀ K ₆₀	48,7	50,3	49,5	23,8	92,6
3		N ₁₅₀ P ₉₀ K ₇₅	51,4	52,2	51,8	26,1	101,5
4		N ₁₈₀ P ₁₁₀ K ₉₀	54,0	56,6	55,3	29,6	115,2
5	15-октябр	Назорат (ўғитсиз)	26,2	25,6	25,9	-	-
6		N ₁₂₀ P ₇₀ K ₆₀	51,1	58,5	54,8	28,9	111,6
7		N ₁₅₀ P ₉₀ K ₇₅	56,1	67,9	62,0	36,1	139,4
8		N ₁₈₀ P ₁₁₀ K ₉₀	60,4	72,4	66,4	40,5	156,4
9	1-ноябр	Назорат (ўғитсиз)	19,5	23,4	21,5	-	-
10		N ₁₂₀ P ₇₀ K ₆₀	36,3	42,6	39,4	17,9	83,2
11		N ₁₅₀ P ₉₀ K ₇₅	40,1	43,8	41,9	20,4	94,9
12		N ₁₈₀ P ₁₁₀ K ₉₀	43,7	45,3	44,5	23,0	106,9

Кузатувларимизда ўрганилган йилларда экиш муддати кечигиб бориши билан кузги жавдар дон ҳосилдорлиги ошиб бориши кузатилмади. Чунки эрта экилган (1 октябр) муддатда ўсимликлар ётиб қолиши аниқланди. Аммо маъдан ўғитлар меъёрининг ошиб бориши билан ҳосилдорликнинг ҳам ортиши кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, экиш муддати 15 октябр, маъдан ўғитлар меъёри эса N₁₈₀P₁₁₀K₉₀ кг/га қўлланилса кузги жавдарнинг қишига чидамлилиги ва ҳосилдорлигини юқори бўлишини таъминлади. Шунинг учун Самарқанд вилояти бўйича кузги жавдарнинг экиш муддатини ва маъдан ўғитларни шу меъёрда қўллашни тавсия этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ismoilov V., Tursunov S. JAVDAR NAVLARI HOSIL STRUKTURASINING AYRIM ELEMENTLARIGA EKISH MUDDATLARI VA

MINERAL O ‘G ‘ITLARNI TA’SIRI //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. D5. – С. 88-93.

2. И smoилов В. И., Хамзаев А. Х., Турсунов Ш. Н. ОПТИМАЛЬНЫЕ СРОКИ ПОСЕВА И НОРМЫ УДОБРЕНИЙ ОЗИМОЙ РЖИ В УСЛОВИЯХ ОРОШАЕМЫХ ТИПИЧНЫХ СЕРОЗЕМОВ УЗБЕКИСТАНА //Актуальные проблемы современной науки. – 2021. – №. 4. – С. 78-82.

3. Омонов, А. Ж. (2021). ОПТИМИЗАЦИЯ СРОКОВ И НОРМ ПОСЕВА ПРОСА. *Актуальные проблемы современной науки*, (4), 83-87.

4. ОмоновА. Ж. идр. INFLUENCE OF CONDITIONAL INSTALLATION ON BIOMETRIC INDICATORS AND GRAIN HARVEST //Life Sciences and Agriculture. – 2020. – Т. 2. – №. 2. – С. 60-64.

5. Халилов, Н., Косимова, Ш., Отаярова, Г., Ўктамов, Х., & Абдуқодиров, Б. (2022). СИЛОС МАССА УЧУН МАККАЖҮХОРИ ДУРАГАЙЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 1207-1209.

6. Усманов, Н. А., Равшанова, Н. А., & Отаярова, Г. У. (2021). ЗАВИСИМОСТЬ ДЛИНЫ ВЕГЕТАЦИОННОГО ПЕРИОДА СОРТОВ ФАСОЛИ ОБЫКНОВЕННОЙ ОТ СРОКОВ И СПОСОБОВ ПОСЕВА. *Academic research in educational sciences*, 2(10), 718-724.

7. ОтаяроваГ.У., РавшановаН.А. Оддий ловия навларнинг суғориши тартибларини вегетация даврнинг давомийлига таъсири International Scientific-Practical Conference Actual Issues Of Agricultural Development: Problems And Solutions June 6-7, 2023 <https://doi.org/10.5281/zenodo.8012567>

8. Бекмурадова, Х. К., И smoилов, А. И., & Ахмадалиев, Б. Ж. (2019). ОЦЕНКА ИСХОДНОГО МАТЕРИАЛА ДЛЯ СОЗДАНИЕ НОВЫХ УСТОЙЧИВЫХ К ВИРУСНОЙ МОЗАИКЕ СОРТОВ ТОМАТА. *Актуальные проблемы современной науки*, (3), 170-173.